



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 244 (12.555)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



СИФАТ ВА УЛКАН САМАРАДОРЛИК

Соғлиқни сақлаш соҳасида дунёдаги етакчи мамлакатлар сафидан мустаҳкам жой олаётган Ўзбекистон фармацевтика йўналишида ҳам улкан ютуқларни қўлга киритмоқда, мамлакатимизда дори-дармон бозори изчил ривожланмоқда.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 1036 турдаги маҳаллий ва 4726 хил хорижий дори воситалари рўйхатга олинган. Фармацевтика ва тиббиёт техникаси соҳасида 279 хорижий ва 46 маҳаллий корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида тизимли ишлар амалга ошириляптир.

Бу жараёнга хориж сармояси жалб қилиниб, кўплаб қўшма корхоналар ташкил этиляётгани ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигини янада ошириш имконини бермоқда. Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Novopharma Plus» Ўзбекистон – Буюк-Британия қўшма корхонаси ана шундай корхоналар сирасидан.

Ўз фаолиятини 2004 йилда бошлаган мазкур корхонада илғор технологиялар асосида қирқдан ортиқ турдаги дори воситаси ишлаб чиқарилади. Юқори сифатли, рақобатбардош, халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган маҳсулот тайёрлашда замонавий ускуналардан фойдаланилади. «Novopharma Plus» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариляётган дори воситалари ISO 9001:2008 халқаро стандартига мос. Ушбу қўшма корхона, шунингдек, GMP халқаро сертификати билан ҳам тақдирланган. Корхонада жорий этилган сифат бошқаруви тизими учун тақдим этилган мазкур нуфузли халқаро сифат сертификати стандартларини сақлаб қолиш мақсадида «Novopharma Plus» ҳар йили тегишли хорижий ташкилотлар томонидан сифат текширувидан ўтади.

Қўшма корхона жамоаси ўз маҳсулотларини ички бозорга чиқариш билан чекланиб қолмасдан, экспорт қўламини ҳам кенгайтираётди.

– Корхонамизда маҳсулот тайёрлаш сифатига катта эътибор қаратилямоқда, – дейди «Novopharma

Plus» қўшма корхонасининг маркетинг бўйича директори Алишер Зокиров. – Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизда тadbиркорликни ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори, жумладан, жорий этилган кўплаб бож ва солиқ имтиёзлари муваффақиятларимиз омилли бўлмоқда. Бундай ғамхўрлик ва рағбат корхонамизда янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот экспорти жўрғофиясини янада кенгайтириш имконини бераётди.

«Novopharma Plus»да ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин кенгайиб, маҳсулотлар турлари кўпайиб бораётди. Жумладан, 2012 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 10,5 миллиард сўмни ташкил этди. 2013 йилнинг ўн бир ойида бу кўрсаткич ўн беш фоиз ошди.

Маҳсулот сифатини назорат қилиш энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган махсус лабораторияда амалга оширилямоқда. Корхонадаги инновацион ишланмалар бўлимида янги дори воситаларини кашф қилиш устида тadbиркорлик олиб бориляптир.

Қўшма корхонада меҳнат қилаётган уч юз нафардан ортиқ ишчи-хизматчи учун барча меҳнат ва дам олиш шароити яратилган. Уларнинг малакасини ошириш учун махсус амалий таълим курслари ташкил қилинган.

– Тиббиёт коллежини тамомлаб, мазкур қўшма корхонага ишга жойлашдим, – дейди «Novopharma Plus» ходими Арофат Расулова. – Ҳозир дори қадоклаш бўлимида меҳнат қилияман. Корхонамизда ишчилар учун қўлай шароит яратилган. Санитария-гигиеник хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Ана шундай илғор саннат муассасида меҳнат қилаётганимдан хурсандман.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетидида «Қайта тикланадиган энергия манбалари, энергия самарадорлиги ва энергияни тежаш – давлат энергетика хавфсизлигининг асоси» мавзусида республика илмий-техникавий анжумани бўлиб ўтди.

ҚАЙТА ТИКЛАНДИГАН ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ – КЕЛАЖАК ЭНЕРГЕТИКАСИ

Тadbир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсуд таълим вазирлиги, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институти, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ва «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Конференцияда барча манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари, йирик саннат корхоналари раҳбарлари ва мутахассислари, пойтахти-

миздаги олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, истеъдодли талабалар, шунингдек, МДХ мамлакатларининг етакчи университетларидан олим ва мутахассислар иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизнинг муқобил энергетика соҳасидаги илм-фан ютуқлари намойиш этилиб, олимлар ва турли корхоналар мутахассисларининг ишланмалари кўриб чиқилди, хорижлик ҳамкасблар билан тажриба алмашилди.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон Темир йўллари» ДАК билан

ҳамкорликда «Замонавий сервис хизмати кўрсатиш, йўловчиларга янада кўпроқ қўлайликлар яратиш борасида олиб бориляётган ишлар: жаҳон тажрибаси ва ютуқлар» мавзусига бағишланган

матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сўғурта компанияси томонидан «Обод турмуш йили давоми-

да амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ва 2014 йил учун белгиланган устувор вазифалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

14 январь – Ватан ҳимоячилари кун МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Халқимизни, айниқса, ёш авлод ва Қуролли Кучлар шахсий таркибини она юртга меҳр-муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларда Ватанни кўз қорачиғидек асраш, жасурлик ва фидойилик фазилатларини янада кучайтиришда ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 22 йиллиги ва 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган «Мардлар қўриқлайди Ватанни!» ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқлар танлови ҳам шундай эзгу мақсадга хизмат қилади.

Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Бастакорлар, Ёзувчилар уюшмалари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танлов якунланди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга

ошириляётган ислохотлар юксак самаралар бераётди. Тadbирда истиқлолни, мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларини, тинч ва фаровон ҳаётимизни тараннум этувчи энг сара ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш, уларнинг муаллиф ва ижрочиларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиляётгани таъкидланди.

Танловда саф қўшиқлари, аскари қўшиқлари, эстрада қўшиқлари, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқлар йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланди ва уларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

З.ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбири

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизими яратилгани ҳар бир фуқаронинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратиляётганида ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Қарор ва ижро

ЮКСАК БАҒРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2013 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарор инсонпарварлик тамойилларининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мазкур қарор ижросига бағишлаб ўтказилган идоралараро йиғилишда шулар ҳақида сўз борди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Х.Ҳалимов, Олий суд раисининг биринчи ўринбосари Ш.Ҳозиев, ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Шодиёв ва бошқалар суд-ҳуқуқ тизимида амалга ошириляётган кенг қўламли ислохотлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлашга, инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва бағрикенглик тамойилларини мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда изчил амалга ошириляётган амнистия тўғрисидаги қарордан кўзланган мақсад билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолган шахсларни жазодан озод этиш орқали қайта тарбиялаш, уларни соғлом фикр, янгича қарашлар билан жамиятга қайтаришдан иборат. Бундай бағрикенгликдан баҳраманд бўлганлар қайта жиноятга қўл урмасликка, ҳалол меҳнат билан жамият равақига ҳисса қўшишга ҳаракат қилади.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қарорининг мазмун-моҳияти, унинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган чора-тadbирлар батафсил муҳокама қилинди.

Ушбу амнистия акти очик-ошкоралик тамойиллари асосида қўлланилиши жараёнида жамоатчилик назорати, хусусан, депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўриляптир. Бу борада сенаторлар, депутатлар, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакилларида иборат ишчи гуруҳлари тузилган.

Амнистияни қўллаш жараёни устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш институтининг шакллантирилган мамлакатимизни демократлаштириш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан нодавлат ташкилотларининг роли ва таъсири тобора ортиб бораётганидан далолатдор.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижон вилоятида Янги йил байрамини муносиб нишонлаш ва аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида вилоят маркази ва туманларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари ўтказилмоқда. Унда вилоятдаги қайта ишлаш корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари, чорвачилик фермер хўжаликлари, паррандачилик ҳамда балиқчиликка ихтисослашган хўжалиklar ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Она заминимизнинг сархил неъматлари – мева-сабзавот ва полиз, шунингдек, сут, тухум, гўшт, балиқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харидорларга тақдим этиляптир.

• Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги «Ҳайдар» массивида нон ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. «Оқолтин дон маҳсулотлари» очик акциядорлик жамияти томонидан ишга туширилган мазкур нон ишлаб чиқариш цехи кунига 5 минг донга нон ишлаб чиқариш қувватига эга. Цехнинг ишга тушиши 11 нафар ёш иш билан таъминлаш имконини берди.

• Жиззах вилоятининг деҳқон ва фермер хўжаликлари пойтахтимизда ташкил этиляётган Янги йил савдо ярмаркаларига 1 минг 200 тонна, вилоят марказига 1 минг 823 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беришни режалаштирган. Айни кунларда туманда 1000 тонна, Бахмал, Пахтакор, Ғаллаорол туманларининг ҳар бирида биттадан 500 тонна, Мирзачўл туманида 450 ва Форш туманида 200 тонна сизимга эга омборхоналарда мева-сабзавот маҳсулотлари сақланмоқда.

• Навоий шаҳрида Навоий вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши сайти» анъанавий вилоят танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Аҳоли, хусусан, ёшларнинг дунёқараши ва қизиқишини инobatга олиб миллий веб-сайтлар сонини кўпайтириш, уларни муносиб рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур танлов ҳам айна шу мақсадга хизмат қилаётди.

ЖАҲОНДА

• АҚШнинг бир қатор ҳудудларида кузатилган қор бўронлари ва торнадо кўплаб кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлмоқда. Жумладан, Кентукки, Миссури штатларидаги йўллар музлагани туфайли автоҳалокатлар сони ортган. Ҳозирги кунга қадар етти киши ҳаётдан кўз юмган. Нью-Йорк, Вермонт ва Ва Мэн штатларида эса юз мингдан ортиқ хонадон электр таъминотидан узилиб қолган.

• Озон туйнугидаги озон даражасининг тadbироти кейинги йилларда озон туйнуги кичрайиб бораётганлигини кўрсатиб, гўё бу жараён Монреаль протоколи бўйича атмосферага хори чикарилиши қамайтириш бўйича чора-тadbирлар асосида амалга ошаётганидан далолатдир. Аслида эса АҚШдаги Годдард номли НАСАНинг космик парвозлар маркази мутахассисларининг тadbиротларига кўра, озон туйнугининг кичрайиши асосан об-ҳавога боглиқ экан.

• Forbes журналининг ҳисоб-китобларига кўра, жаҳондаги барча спорт мусобақалари ўртасида ташкилий жиҳатдан энг қимматбаҳоси АҚШ Миллий футбол лигаси томонидан ўтказиладиган Супербоул чемпионатининг финал ўйини бўлиб, уни уюштириш харажатлари 464 миллион долларни ташкил этади. Рўйхатда кейинги ўринларни ёзги Олимпиада ўйинлари ва ФИФАнинг футбол бўйича жаҳон чемпионати эгаллаб турибди.

Юртимиз Мустақиллик йилларида мислсиз ютуқларни қўлга киритди. Турмушимиз фаровонлашди. Истасангиз ҳалол тадбиркорлик билан шуғулланган, истасангиз билим, маърифат олинг, хоҳланг дунёни айланг. Эркимиз, изимиз ўзимизда. Диний бағрикенглик, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озода ва обод Ватан қуришининг муҳим шартларидан бири саналган юртимизда хилма хил диний эътиқодда эга бўлган кишилар олижаноб гоё ва ниятлар йўлида ҳамқору ҳамжиҳат бўлиб яшаб келишмоқда.

Бирок, тобора хилма-хил шакл ва таҳдидли даражада қўлам касб этаётган жаҳоншумул офат — диний экстремизм ва терроризмнинг сайёрамизда зарарли қадами етмаган мамлакат қолмади ҳисоб. Турли мамлакатларда фаолият кўрсатаётган бундай ташкилот ва ҳаракатларнинг номлари, қилаётган даъволари ва низомилари турлича бўлса ҳам асл мақсадлари битта, у ҳам бўлса Ислом дини ниқоби остида ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишдир.

Бугун демократия, гуманизм ва адолат тамойилларига зид бўлган оқимлар таъсирига турли алдовларга ишониб, динни, уни тарғиб қилувчиларнинг асл мақсадларини яхши тушунмасдан аралашиб қолаётганларнинг учраб турганлиги ачинарлидир.

Тошкент шаҳрида туғилиб вояга етган Улугбек Азизов (исми-шарифи ўзгаририлган) мамлакатимизда ёшлар учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, 2003 йилда Корея Республикасининг Дэгү шаҳридаги Кемёнг университетининг магистратура босқичига ўқишга кирган эди. У ерда ислом динига қизиқиш ортиб намоз амалларини баҳариш мақсадида Дэгү шаҳридаги жомеъ масжидига бориб, масжид имоми покистонлик Анвар ул-Хақ исмли шахс билан танишиб, ушбу шахсдан илк ислом дини йўналишида диний таълимларни ола бошлади. Сўнг ақидапарастлик гоёлари билан йўғрилган адабиётлардан ҳамда интернетдаги сайтдан Ўзбекистон Республикаси ва Ўрта Осиё мамлакатларида байроқчиллик тарзда фаолият кўрсатаётган «Салафий», «Ваҳобий», «Хизбут-таҳрир» ва бошқа диний экстремистик оқим ва ташкилотлари гоёвий етакчиларининг маъруза ва даъватларини тинглаб, онги захарланди.

Ўзбекистонда диний-экстремизм ва ислом фундаментализми принциплари асосланган, фаолияти тақиқланган «Салафийлар» диний реакцион хуфёна ташкилотининг фаолиятини тиклаб, унинг ишида 2008 йилга қадар иштирок этиб келган.

У олий маълумотли бўлишига қарамасдан, диний таълимотдан хабари йўқлиги, билимсизлиги боис жаҳолатга юз тутди. Билимсизлик ва жоҳиллик унинг кўзини

БЕПАРВОЛИК ВА ЛОҚАЙДЛИК — ЭНГ КАТТА ИЛЛАТ

кўр, кулоғини қар қилди. Ўзбекистондан Жанубий Корея Республикасининг Дэгү шаҳридаги олий ўқув юрталарига ўқишга ва ишлаш мақсадида келган бир нечта ёшларни ўз олдига йиғиб, уларни ўзи аъзо бўлган жамоатга — «Салафийлар» диний оқимига даъват қилиб, ақидапарастлик гоёлари билан йўғрилган маъруза ва даъватларни эшиттириб келган. Бугун уларнинг барчасининг боши ҳам, алдовга дучор бўлганлиги ёхуд нотўғри ташланган қадам сабаб, изтироблар алангасида, умрининг ғўзал фаслини панжара ортида ўтказишмоқда.

Агар биз дину диёнатиимизни уни бузиб талқин этаётган кимсалардан ҳимоя қилмасак, одамлар, айниқса ҳаёт тажрибаси, онгу тафаккури ҳали етарли бўлмаган ёшларимиз эртага ана шу кучларнинг машум таъсирига тушиб қолишлари мумкин. Бундан қўзланаётган мақсад аён:

эл юртимизнинг тинчлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштириш, одамларнинг юрағига ваҳима ва гулгула солиш, эзгу ният ила амалга ошираётган ишларимизга тўсиқ бўлиш, эркимизга таҳдид солишдир. Аммо, юртимизнинг тинч ҳаётини, эришяётган ютуқларини қўрқолаётган қабиҳ ниятли кучларнинг бундай ғаразли хуружини халқимиз ҳеч қачон оқламайди ҳам, ёқламайди ҳам. Бизнинг элимизда эътиқодимизга, дунёқарашимизга, мурод-мақсади-мизга бегона бўлган ёт мафкура ва гоёларга, бузғунчиларга сира ўрин йўқ.

Президентимиз ўзларининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлаганларидек, «Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзи бўларчилиқка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади».

Шундай экан, бугунги мураккаб замонда яшаётган ҳар бир соф виждонли киши ҳар қандай қўринишдаги диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиши, Ватанини, халқини севиши, ёвузликка, шафқатсизликка мурасисиз, адолатпарвар, дўстларига садоқатли бўлиши лозим. Атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга зийраклик

билан боқиб, унга тўғри ва муносиб фикр билдиришимиз керак ва динимиз, миллатимизни ғараз мақсадли кимсаларнинг зарарли мафкураларидан асрашимиз, ҳаётимизда бепарволик ва лоқайдликка ўрин қолдирмаслигимиз керак. Бугунги кун ёшларидан талаб қилинадиган нарсаси, улар олдига турган асосий вазифа эса ўзларига яратиб берилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда бор куч-гайратини билим-чўққиларини забт этишга, юртимиз байроғини янада юксакларга кўтаришга сафарбар этишдир. Алломаларимиз, Ватанга нафий йўқ яшалган ҳар кун, инсон ҳаётини қилур беамзуд дея бежизга айтишмаган. Ҳар бириимизнинг ҳар кунимиз Ватанга наф етказсин, умримиз сермазун бўлсин.

Акмал ҲАМРОКУЛОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Ҳозирги кунда телефон кабелларининг ўғирланиши оммавий тус олиб, катта муаммога айланимоқда. Кабель линияларини қасддан шикастлаш натижасида нафақат «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали абонентлари — жисмоний шахслар жабрланмоқда, айти пайтда бу ҳол ҳокимият ва бошқарув органлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, шошилинч хизмат, шаҳар ҳаётини таъминлаш корхоналарининг ҳам алоқа тизимларининг фаолияти бузилишига олиб келмоқда. Кабельни ўғирлаш телефон тармоғининг ўзилишига, Интернет тармоғи, маълумотнома-сервис ва ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятининг чекланишига сабаб бўлимоқда.

«Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали иншоотларни қўриқлаш масалаларини ҳал қилиш, ўз мижозлари учун алоқанинг шикастланишлар оқибатларини камайтириш ҳамда тиклаш бўйича бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда.

Айни пайтда, кабеллар ўғирланишининг олдини олишда, шунингдек, ўғирларни қўлга олиш ва жазолашда аҳоли томонидан бундай хатти-ҳаракатлар ҳақида ўз вақтида хабар берилиши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Кабелларни қасддан шикастлаш ҳолатларининг олдини олиш, шаҳар алоқа иншоотларини ҳимоялаш мақсадида «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали фуқароларни огоҳ бўлишга даъват этади. Шаҳар линияли-кабель иншоотларидан рухсат берилмаган ҳолда фойдаланиш, кабеллар, канализация қопқоқларини ўғирлаш ҳоллари аниқланганда 102 ёки 233-69-95 телефонлари орқали хабар беришингизни сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Андижон вилояти

Андижон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига

ТАНЛОВ ЎТҚАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Самарқанд вилояти

Самарқанд шаҳар 12-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Самарқанд туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Сурхондарё вилояти

Термиз шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Хоразм вилояти

Урганч шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент вилояти

Зангиота туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент шаҳри

Юнусобод туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;

5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топишганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан қўйида (малака имтиҳонини топишган, лекин нотариус лавозимига ўч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топишганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан қўйида);

6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камда уч йил муددатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топишган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2014 йил 16 январь)

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайингоҳ кўчаси, 5-уй. Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

«SPARETRA» МЧЖда 2013 йил 20 ноябрдан 2013 йил 20 декабргача ўтказилган кимошди савдолари натижалари тўғрисида маълумот

Савдо санаси	Ким томонидан савдога қўйилган	Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
26.11.2013	Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 6-мавзе, 6/1-уйда жойлашган "Mobile And Sportive" МЧЖга тегишли мол-мулклар	221 837 145	230 753 000
	Бекобод тумани СИБ	2005 й. и.ч. "Нексия" д.р. 11 J 946 DA	13 635 246	15 000 000
	Учтепа тумани СИБ	1997 й. и.ч. "Тисо" д.р. 01 432 KBA	7 908 282	8 430 000
02.12.2013	Қўйраб тумани СИБ	2008 й. и.ч. "Нексия Сонс GLE" д.р. 01 C 398 FA	27 242 170	28 900 000
05.12.2013	Бўха тумани СИБ	"Лада 11183-114-30" д.р. 10 501 UAA	12 260 970	12 900 000
		"Ваз 21070-120-21" д.р. 10 078 QAA	11 111 580	11 750 000
	Бекобод шаҳар СИБ	2004 й. и.ч. "Газ 31105" д.р. 11 N 3777	14 596 179.60	15 350 000
	Миробод тумани СИБ	"Ваз 2106" д.р. 01 W 620 CA	6 025 335	6 350 000
		1976 й. и.ч. "Ваз 2101" д.р. 10 L 196 FA	2 607 278	2 800 000
		2009 й. и.ч. "Нексия Донс 2" д.р. 01 E 668 JA	25 200 000	26 400 000
		2012 й. и.ч. "Матиз" д.р. 01 R 143 NA	20 603 176	21 580 000
	Янгйўл тумани СИБ	1989 й. и.ч. "Москвич-412 ИЭ" д.р. 11 K 7764	431 445.5	495 000
	Бўха тумани СИБ	1993 й. и.ч. "2-ПТС 4-793" д.р. рақамсиз	437 016	495 000
		2-ПТС 4-793" д.р. рақамсиз	508 382	595 000
	Бекобод шаҳар СИБ	1986 й. и.ч. "Иж 2715" д.р. 10 K 342 BA	1 334 441.60	1 440 000
08.12.2013	Пискент тумани СИБ	2005 й. и.ч. "Матиз" д.р. 10 K 189 BA	14 850 000	15 900 000
	Миробод тумани СИБ	1973 й. и.ч. "ГБА СПГ Ваз 2101" д.р. 11 W 7590	1 429 560	1 570 000
		2008 й. и.ч. "ГБА СПГ Лада 21074-110-30" д.р. 10 M 653 FA	15 732 000	16 800 000
16.12.2013	Бектемир тумани СИБ	1974 й. и.ч. "Ваз 2103" д.р. 10 S 081 DA	4 536 135.27	4 850 000
19.12.2013	Бўстонлиқ тумани СИБ	1990 й. и.ч. "Камаз-5511" д.р. 11 AC 872	15 022 260	16 700 000
		1974 й. и.ч. "Ваз 2101" д.р. 11 A 0487	488 393	545 000
	Зангиота тумани СИБ	1979 й. и.ч. "Ваз-452" д.р. 11 L 1125	379 704	445 000
		1992 й. и.ч. "ИЖ-21251" д.р. 11 N 0389	351 126	445 000
		1989 й. и.ч. "Ваз-3962" д.р. 11 L 6497	1 154 290	1 950 000
	Мирзо Улугбек тумани СИБ	1973 й. и.ч. "Ваз 201" д.р. 11 J 0670	1 637 019	1 770 000
		1999 й. и.ч. "Волво" д.р. 17 V 6746	29 165 000	30 550 000
20.12.2013	Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси Махсуслаштирилган автотранспорт корхонаси	1997 й. и.ч. "Дамас DLX" д.р. 01 628 CCA	3 233 120	3 550 000

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖда 2012 йил 20 ноябрдан 2013 йил 20 декабргача ойлар давомида кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот

Савдо санаси	Ким томонидан савдога қўйилган	Кўчмас мулк номи ва манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
25.11.2013	Тошкент шаҳар Ҳудудий бошқармаси томонидан	Тошкент шаҳар, Ҳудудий бошқармаси томонидан 21.08.2013 й. № 403/13 - сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқ бўйи кўчаси, 6-уйда жойлашган шағални қайта ишлаш заводлари бино ва иншоотлари	3 618 621 384	3 738 650 000
		Тошкент шаҳар Ҳудудий бошқармаси томонидан 21.08.2013 й. № 403/13 - сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқ бўйи кўчаси, 7-уйда жойлашган шағални қайта ишлаш заводлари бино ва иншоотлари	497 751 280	515 800 000
		Тошкент шаҳар Ҳудудий бошқармаси томонидан 21.08.2013 й. № 403/13 - сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Қўйраб тумани, Тузёл к.ф.й.да жойлашган шағални қайта ишлаш заводлари бино ва иншоотлари	1 083 257 243	1 119 300 000
		Тошкент шаҳар Ҳудудий бошқармаси томонидан 21.08.2013 й. № 403/13 - сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 6-мавзе, 6/1-уйда жойлашган клиника бино ва иншоотлари	2 117 148 617	2 195 150 000
28.11.2013	Учтепа тумани СИБ	Учтепа тумани СИБ томонидан 16.04.2013 й. № 1-27/1/13 - сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 18-мавзе, 13-уй, 16-хонадон	24 000 000	25 500 000
02.12.2013	Мирзо Улугбек тумани СИБ	Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 02.05.2013 й. № 47613/12 - сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, К.Ниязова кўчаси, 10/1-уй, 30-хонадон	436 891 003	456 700 000
16.12.2013	Юнусобод тумани СИБ	Юнусобод тумани СИБ томонидан 14.10.2013 й. № 24259-60 - сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғи Шамол кўчаси, 120-уй манзилида жойлашган савдо дўкони	125 000 000	132 500 000
19.12.2013	Тошкент шаҳар Ҳудудий бошқармаси томонидан	Тошкент шаҳар Ҳудудий бошқармаси томонидан 21.08.2013 й. № 403/13 - сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Қўйраб тумани, Оқовоқ к.ф.й.да жойлашган бино ва иншоотлари	132 700 869	140 900 000

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.

Юнусобод тумани Ободонлаштириш бошқармаси қўйидаги бўш иш ўринларига фуқароларни ишга таклиф қилади:

1. Фаррош — 40 та бўш иш ўрнига, ойлик маоши — 350 минг сўм.

2. Қўлазмзорлаштирувчи — 80 та иш ўрнига, ойлик маоши — 430 минг сўм.

Манзил: А.Темур шоҳқўчаси, 117а-уй. Мўлжал: метронинг Х. Абдуллаев бекати. «Муза» маркази орқасида.

Телефонлар: 212-45-85, 212-45-59.

Чилонзор тумани ҳокимлиги қошидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтказилган (рўйхатдан ўтказиш рақами №001297-08, 2011 йил 05.05, ОКПО 20296528, ИНН 205731506)

«CHILONZOR O'QUV SPORT TEXNIKA KLUBI» ХОНДАВЛАТ ТУМАН МУАССАСАСИ

мулкнинг ташкилий шаклини унитар корхонадан нодавлат таълим муассасасига ўзгариштирилиши маълум қилади. Давлоат эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 277-03-78, 277-06-19 телефонлари орқали қабул қилинади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2014 йил 7 январь куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қўйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

1. Ҳамза туман СИБ томонидан 2012 йил 12 ноябрдаги 1-431/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2007 йилда и/ч дав. бел. 30 N 79-77 бўлган «Каптив» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 62 924 000 сўм. 2. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 C 909 BA бўлган «Каптив» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 68 240 000 сўм. 3. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 M 157 GA бўлган «Каптив» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 66 041 000 сўм. 4. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 D 797 BA бўлган «Каптив» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 68 393 000 сўм. 5. 2012 йил 2 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1995 йилда и/ч дав. бел. 01 C 479 KA бўлган «Эсперо» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 12 664 520 сўм. 6. 2013 йил 12 февралдаги 1-11/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 G 898 LA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 42 225 718 сўм. 7. 2013 йил 1 февралдаги 1-1009/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда и/ч дав. бел. 01 W 569 KA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 14 722 174 сўм. 8. 2013 йил 8 февралдаги 1-09/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда и/ч дав. бел. 30 R 5531 бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 27 264 525 сўм. 9. 2012 йил 12 ноябрдаги 1-431-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 30 520 RAA бўлган «Каптив» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 70 169 420 сўм. 10. Ҳамза туман СИБ томонидан: 1. 2013 йил 4 мартдаги 1-65-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Бутан» МЧЖга қарашли жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 769 XA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 326 000 сўм. 2. 2012 йил 19 январдаги 1-438-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 Y 204 FA бўлган «Эпи-ка» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 56 025 129 сўм. 3. 2012 йил 12 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, «Sargo» МЧЖ ховлисида сақланаётган, «Toyota 7FB15FV 3000» русумли юк кўтаргич. Бошланғ

Спорт янгиликлари

ЎЗБЕК ГАНДБОЛЧИЛАРИ
ТЕНГСИЗ

Таиландда Жануби-шарқий Осиё гандбол федерацияси томонидан илк мартаба ташкил этилган чемпионатда Ўзбекистон терма жамоаси бош совринни қўлга киритди.

Ушбу мусобақада Гонконг, Таиланд, Вьетнам ва Филиппин каби терма жамоаларни мағлубиятга учратган гандболчиларимиз финал баҳсида мезбонларни яна бир бор енгиб, олтин медални қўлга киритдилар.

Хотин-қизлар баҳсида ҳам мамлакатимиз гандболчилари тенг келадиган рақиб топилмади. Спортчиларимиз Гонконг, Таиланд, Филиппин ва Вьетнам терма жамоалари устидан галаба қозониб, бош совринга эга бўлдилар.

КАРАТЭЧИЛАРИМИЗ
МУВАФФАҚИЯТИ

Бирлашган Араб Амирликларида катталар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган каратэ бўйича Осиё чемпионатида 32 давлатдан ташриф буюрган 500 нафардан зиёд каратэчилар иштирок этиб, ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Мазкур нуфузли мусобақада терма жамоамиз аъзоси Садриддин Саймаев ўз вазн тоифасида Шри Ланка, Хиндистон, Кувайт вакиллари мағлубиятга учратиб финал баҳсида эронлик рақибидан устун келиб, Осиё чемпионлигини қўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасида эса Осиё ўйинлари совриндори Барно Мирзаева Хиндистон, Иордания, Хитой Тайпейи ва Қозғистон спортчиларини енгиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, яна икки нафар спортчимиз — Бехзод Тўйгунов ва Абдулазиз Отабевлар қумуш медалга сазовор бўлдилар.

Қозғистоннинг Остона шаҳрида юнон-рум кураши бўйича IV халқаро турнир бўлиб ўтди.

СОВРИНДОРЛАР
САФИДАН
ЎРИН
ОЛИШДИ

Унда Ватанимиз ша- рафини ҳимоя қилган терма жамоамизнинг икки нафар курашчиси Фаррух Абдурахмонов ҳамда Бобурбек Зайлобидиновлар ўз вазн тоифаларида қумуш медал соҳибига айлан- дилар.

Жавохир
ТОШХУЖАЕВ

Шаҳримизда гандбол бўйича уюштирилган Ўзбекистон чемпионати якунланди.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ИККИНЧИ

Мурасасиз ва кескин курашларга бой кечган баҳсларнинг барчасини галаба билан якунлаган Тошкент вилоятининг ОТМК жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Совринли ўринлар эса пойтахтимизнинг «Ёшлик» ҳамда Андижон вилояти командаларига насиб этди.

Энди ана шу жамоалар спортчиларидан таркиб топадиган Ўзбекистон терма жамоаси Ита- лияда гандбол бўйича ташкил этиладиган халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан ЎФФ футбол мураббийлари ва ҳакамлари мактаби ҳамкорлигида ПРО лицензияси учун ўқув курслари ташкил этилди.

МУРАББИЙЛАР
МАЛАКАСИ ОШАДИ

Хориждан таклиф этилган мутахассислар етакчилигида олиб бориладиган малака ошириш курсларида «Локомотив», «Гулистон» жамоалари ҳамда миллий терма жамоамизда фаолият олиб бораётган Ҳаким Фузийлов, Бахтиёр Ашурматов, Шухрат Мақсудов сингари мураббийлар тахсил олмакда. «Чигатой» футбол мактабида ўтказила- ётган ўқув машғулотида катнашчилари футбол- да рўй бераётган энг сўнгги янгиликлардан, му- раббийлик сир-асрорларидан хабардор бўлиша- ди, тест синовлари топширишади. Имтиҳонлар- дан муваффақиятли ўтган мутахассисларга ПРО лицензияси сертификатлари топширилади. Эслатиб ўта- миш, ушбу лицензияга эга бўлган мураббий хориж клубларида ҳам фаолият олиб бориш им- кониятига эга бўлади.

ЧЕМПИОНАТГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Тез кунларда ўсмирлар ўртасида қиличбозлик бўйича жорий йилги Ўзбекистон чемпионатида старт берилади.

Болалар ва ўсмирлар ўртасида қиличбозликни янада омалаштириш мақсадида ўтказилиши режалаштирилган мазкур турнирда Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятларнинг умидли ёш қиличбозлари омадларини синая қўришади.

Айни кунларда эса ўсмир қиличбозлар чемпионатга сўнгги тайёргарлик машғулотларини ўтказишмоқда.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ҚУРИЛИШДА ЁНГИН
ХАВФСИЗЛИГИ
ҚОИДАЛАРИ

Ҳозирги кунда юртимизда кўзи қувонтирадиган бир қанча замонавий бинолар ва уйлар барпо этилиб ўлкамиз чиройига чирой қўшмоқда.

Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор. Айрим фуқароларнинг яшаш уйлари ёнгин хавфсизлиги қоида- ларига риоя этилмасдан қурилганлиги сабабли, ёнгин чиққанда бир уйдан иккинчисига ҳам тарқалиши куза- тилмоқда. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Сергели тумани Безакчи кўчасида истикомат қилувчи Жамшид куннинг қаттиқ совуқлиги натижасида уйи- нинг ички қисмида қурилган печкага қўшимча равиш- да резина шланга орқали газ олиб киради. Кечаси ушбу хавфли газ қурилмасини ўчирмасдан соат тахми- нан 23.00 ларда фарзандлари билан ухлагани ётади. Ширин уйқуда ухлаб ётган Жамшид соат тахминан тонгга тўртларда тутун ҳидидан уйғонган, ётоқхонасида ёнгин бўлаётганлигини кўриб, тезда оила аъзоларини уйғотиб барчаси кўчага чиқишади. Бу вақтда ёнгин кучайиб уйнинг том қисмига чиқиб олган эди. Тез ора- да кўшни Икром акаларнинг ҳам уйи том қисмига ўтиб олди. Ёнгин тўғрисида хабар толган кўшнлар тезда ёнгин хавфсизлиги ходимларига телефон қилишди. Улар чақирилган манзилга етиб келган вақтда ёнгин иккита яшаш уйда авж олаётганлигини кўриб ёнгин- ни бартараф этишга киришишади. Ёнгин ўз вақтида ўчирилиб, Икром аканинг яшаш уйи ички жиҳозлари, қурилиш элементлари сақлаб қолинди.

Бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун ҳар бир фуқаронинг қурилиш вақтида ёнгин хавфсиз- лиги қоидаларига риоя қилган ҳолда яшаш уйлари- нинг оралиқ масофаларига риоя қилиши ва ўз иши- нинг мутахассислари бўлган газ ва электр ходимлари- ни чақириб, қурилмаларини тўғри ўрнатиб ишлашини вақтида қўриқдан ўтказиб туриши муҳимдир.

Беғали ЖЎРАЕВ,
Сергели туманидаги 5-ХЕҲО 10-ХЕҲҚ бошлиғи
ўринбосари, майор

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ҳа ҳовуқ, қундузи — 3-5 даража ишқ бўлади. Ўзгидрометнинг мо- ниторинг хизмати ма- џумотига кўра, 25 ва эрталаб 26 декабрда Тошкент шаҳрида 25 декабрь кунги ҳаво ўза- ри турари, ёнғинчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли ма- џуд. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6 дара- жа совуқ, қундузи — 3-5 даража ишқ бўлади. Ўзгидрометнинг мо- ниторинг хизмати ма- џумотига кўра, 25 ва эрталаб 26 декабрда Тошкент шаҳрида 25 декабрь кунги ҳаво ўза- ри турари, ёнғинчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли ма- џуд. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6 дара- жа совуқ, қундузи — 3-5 даража ишқ бўлади.

(Газетанинг навбатдаги сони 26 декабрда чиқади)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 21 я- варь кун соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бош- ланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказилади- ган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк- лар қўйилмоқда:

I. Шайхонтоҳур туман Суд ижрочилари бўлими то- монидан, Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманларо судининг 2013 йил 2 сентябрдаги 1-4382/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор Д20-мавзеси, 15-уйда жойлашган, умумий майдони 66 м.кв. бўлган, бир қаватли офис. Бошланғич нар- хи — 62 500 000 сўм.

2014 йил 14 январь кун соат 11:00 да бўлиб ўта- диган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Суд қарорларини ижро этиш Департаменти то- монидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар су- дининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темури шохқўчаси, 62-уйда жойлашган, умумий майдони 836,0 м.кв., уч қаватли бинонинг биринчи қаватининг бир қисмида жойлаш- ган «Майши хизмат кўраси» бино иншоотлари. Бошланғич нархи — 1 506 820 000 сўм.

II. Ҳамза туман Суд ижрочилари бўлими томони- дан, Жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман судининг 2011 йил 26 декабрдаги 1-805/11-сонли ижро вара- қасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё Ота кўчаси, 9-уйда жойлашган, умумий майдони 536 м.кв. бўлган, икки қаватли, ертўлали кўчмас мулк биноси (тўй либослари дўкони). Бошланғич нархи — 1 859 800 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Шохимардон кўчаси, 84-уйда жойлашган, умумий майдони 1080 м.кв. бўлган, бир қаватли, 4 та бино ва 1 та иншоот ҳамда 1 та ёрдамчи иншоотдан иборат кўчмас мулк биноси. Бошланғич нархи — 1 714 061 000 сўм.

III. Юнусобод туман Суд ижрочилари бўлими то- монидан такроран савдога қўйилган:

1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди- нинг 2010 йил 20 апрелдаги 2-040-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғи Эрам кўчаси, 7-уйда жой- лашган, умумий фойдаланиш майдони 557,63 м.кв. бўлган, иккита қаватли, ертўлали кўчмас мулк биноси. Бошланғич нархи — 674 653 602 сўм.

2. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди- нинг 01.12.2011 йил 1 декабрдаги 1-576/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Барака (аввалги Ш. Қозқобоев) кўчаси, 126-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 832 кв.м. бўлган, икки қаватли турар жой. Бошлан- ғич нархи — 337 682 696 сўм.

3. Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туман су- дининг 2013 йил 22 апрелдаги 1/274/2565/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Саида Зуннунова кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 491,15 м.кв. бўлган ту- рар жой. Бошланғич нархи — 49 750 000 сўм.

IV. Чилонзор туман Суд ижрочилари бўлими томо- нидан, Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман су- дининг 2012 йил 10 майдаги 1-74/12-сонли ижро ва- рақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккаса- рой тумани, Шохжаҳон кўчасида жойлашган, умумий майдони 92,0 м.кв., фойдали майдони 79,5 м.кв. бўлган бир қаватли, 13, 14, 15, 16, 17, 18-сонли ол- тита савдо дўконлари. Бошланғич нархи — 77 225 016,37 сўм.

V. Мирзо Улуғбек туман Суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2013 йил 4 мартдаги 10-1308/3053-Б-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран савдога қўйилган:

1. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 4 887,0 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган 8 қаватли бино. Бошланғич нархи — 1 984 187 340 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчасида жойлашган, умумий майдони 463,0 кв.м. бўлган, 0001 литердаги, 8 қаватли бинонинг ертўла қисми. Бошланғич нархи — 238 338 450 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчасида жойлашган, умумий майдони 340,0 кв.м. бўлган, 0002 литердаги, 8 қаватли бинонинг ертўла қисми. Бошланғич нархи — 183 255 210 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Алавия (Меҳ- ригиё) кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 257,0 кв.м. бўлган, 0002 литердаги, 8 қаватли бино- нинг ертўла қисми. Бошланғич нархи — 127 690 020 сўм.

5. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Алавия (Меҳ- ригиё) кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 257,0 кв.м. бўлган, 0003 литердаги, 8 қаватли бинонинг ертўла қисми. Бошланғич нархи — 127 690 020 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бево- сита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион сав- доларида иштирок этиш учун талабгорлардан ари- залар ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларида ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида катнашиш истагида бўлган та- лабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фои- зи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсат- ган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020800020492751003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. Лицензия: № ЯР-0017.

АМАЛИЙ СЕМИНАР
ЎТКАЗИЛДИ

Тадбирда туман ҳокимлиги, ёнгин хавфсизлиги бўлими мутахассислари ва мактабгача таълим муассасаларидан ва- киллар иштирок этди.

Мазкур таълим муассасаси 1969 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда бу ерда ақлий нуқсонга бўлган ва психик ривожланиш суст болалар тарбияланади. Юз ўринга мўлжалланган ушбу муассасада ҳозирда жами ўн та гуруҳда болалар таълим олишмоқда.

Учтепа туманидаги «Меҳр нури» номли 431- иxtисослашган мактабгача таълим муассасасида «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги»га бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ушбу даргоҳда ёнгин хавфсизлиги ойлиги давомиде ёнгиннинг олдини олишга бағиш- ланган бир қатор ишлар амалга оширилди. Ёнгин хавфсизлиги ходимлари билан ўра- шувлар ташкил этилиб, уларда «тилсиз ёв»нинг олдини олиш ва уни бартараф этиш борасида тарбиячилар ва ота-оналарга тар- гибот-тушунтириш ишлари олиб борилди. Хавфсизлик қоидалари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича текширувлар ўтказилиб, газ плитаси, энергетика, сув ва иситиш мосла- маларининг соғлиғига алоҳида эътибор қара- тилди. Таъкидлаш керакки, муассаса ўт ўчи- риш техникалари, асбоб-ускуна ва анжомлар билан таъминланган ҳамда ёнгиндан хабар берувчи сигнализациялар ўрнатилган. Шунинг- дек, ёнгинга қарши тарғибот материаллари билан жиҳоз- ланган алоҳида бурчаклар ташкил этилган бўлиб, тайёрлов гуруҳларида очик машғулотлар ўтказилди.

Семинар доирасида муассаса тарбияланувчилари ишти- рокида «Ёнгиндан сақланиш!» мавзусида сахна кўринишлар- и ва концерт дастури намойиш этилди.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

устоз ижодкорлар, шоғирдлар, рас- сомнинг оила аъзолари ва замон- дошлари портретлари акс этган. Улар орасидан «Навоий Самарқанд- да», «Оналик туни», «Қорақамиш тонги», «Автопортрет», «Ўтмиш билан ўчрашув», «Сумалак», «Шоҳизин- да», «Амир Темури макбараси», «Шо- ҳимардон шаршараси» каби ишлар жой олган. Рассом ҳар бир сиймо- га сайқал берар экан, унинг харак- терини ёрқин ва аниқ ифодалаш билан биргаликда, ҳаётда тутган ўрнини тасвирлашга интилишини кўрамыз.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Тошкент шаҳар хотин- қизлар қўмитаси қўмита Бошқаруви аъзоси Муқаддас- хон Раҳматиллаевага волидаи муҳтарамаси Турсунхон Юлдашеванинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Кўргазмалар

САМАРҚАНД ОҲАНГЛАРИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида рангасавирчи рассом Намоз Султоновнинг (1938-2005) «Самарқанд оҳанглари» деб номланган хотира кўргазмаси очилди.

Намоз Султонов Самарқанд вилояти Пойриқ туманида хизматчи оиласида туғилган бўлиб, П.Бень- ков номидаги рассомлик билим юртида, Тошкент театр ва рассом- лик институтида таълим олган. Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси. Санъатшунослик профессори бўлган. Ижоди даво- мида қатор наشريётларда чоп

этилган ижодий ва илмий ишлар муаллифи ҳамдир. Ўзбекистон Ба- дий академиясининг олтин меда- ли билан тақдирланган. «Ўзбекис- тонда хизмат кўрсатган ёшлар му- раббийси».

Экспозициядаги 50 дан ортиқ ижодий ишларда тарихий шаҳар- ларимизнинг меъморий ёдгорлик- лари, маданиятимиз вакиллари,

«Тошкент Сув таъминоти» шўъба корхонаси (Миробод туманига қарашли корхоналарни рўйхатдан ўтказиш бўлимидан рўйхатдан ўтган СТИР 204579236, Код ОКПО 19139226) таъсисчи ДУК «Сувсоз»нинг 19 декабрдаги қарорига асосан бошланғич низоми фонди 1 659 388 081 сўмдан 1 630 861 899 сўмга камайганлигини маълум қилади.

Даволат эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади. Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, «Тошкент Сув таъминоти» Ш.К. 100060 Тел: 152-19-53, 152-19-48.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 1241

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбугот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
8513 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жоилардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта-тўғи»га — 233-74-05 телефонга мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.10

Бош муҳаррир
Акматали АҚРМОВ